



Мазкур курс “**Chizma Geometriyasi**” электрон ўқув курси бўлиб, курсни бошлашдан аввал зарур эълонлар, фан дастури, ишчи дастур, йўриқнома ва қўшимча адабиётларни ўз ичига камраб олади. (18-расм)



18- расм. Электрон ўқув курс ҳақида умумий маълумотлар

Платформада курс иштирокчисининг шахсий саҳифасида мавжуд ўқув курс талабанинг фанни ўзлаштириши лозим бўлган асосий ойна ҳисобланиб, курс яратувчи шахс томонидан тақдим этилган ўқув контент модулларидан таркиб топади. Қуйида “Чизма Геометрия” ўқув контентда 8 та модулларни кўришингиз мумкин. (19- расм)




19- расм. Платформадаги ўқув контент

Курс яратувчи томонидан яратилган ўқув контент очилади ва тингловчи томонидан бажарилиши лозим бўлган курснинг асосий вазифалари қамраб олинган платформа элементлари ва ресурсларни ўз ичига олган муайян мавзу асосида топшириқлар ўрин олган. Талаба томонидан биринчи навбатда:

- **Лекция** - маъруза топшириғида маъруза матни берилиб, тингловчи томонидан ўзлаштирилади;
- кўшимча видеомаърузадан фойдаланиш имконияти мавжуд;
- **.ppt** ёки **.pdf** форматда тайёрланган тақдимот маълумотлар орқали билимини бойитиши мумкин;
- Топшириқ – курс тингловчиси томонидан маъруза асосида шакллантирилган вазифа бажарилади
- Таянч иборалар – ўқув курс давомида ўзлаштирилиши мураккаб бўлган иборалар ва унинг мазмуни баён этилади;

Тест топшириқ – Ўқув курсда билим олувчи томонидан эгалланган ахборотларни ўзлаштирганлигини назорат қилиш мақсадида тест саволлари орқали билим кўникмаси аниқланади. (20-расм)



20 – расм. Moodle тизимида яратилган ўқув контент

Ўқув курсдаги биринчи элемент “Лекция” – маъруза бўлиб, бунда талаба мавзу ҳақидаги назарий маълумотлар билан танишади. (21 – расм)

Ma'ruza-1

К настоящему времени Вы заработали баллов: 0 из 0 возможных.

1 savol Kirish. Tasvir yasash usullari Evklid fazosini xosmas elementlar bilan to'ldirish. Markaziy va parallel proyeksiyalash usullarining xossalari. To'g'ri burchakli proyeksiyalash.



Har bir fanning paydo bo'lishi va taraqqiyot yo'llari bo'lgani kabi chizma geometriya fani ham kishilik jamiyatining rivojlanishi va turli ishlab chiqarish kuchlarini paydo bo'lishi bilan hosil bo'lgan fandır. Bu fanning asoschisi frantsuz olimi, matematik Gaspard Monj hisoblanadi.

Gaspard Monj (1746-1818) haqida. Shaxsning tarixdagi roli to'g'risida siyosiy va ijtimoiy fanlarda ko'p aytilgan yoki yozib qoldirilgan. Biror aniq fanni rivojlantirishga o'z hissasini qo'shgan shaxslar to'g'risida ham qiziqarli voqealar ko'p yozilgan. Shunday shaxslardan biri Gaspard Monj hisoblanadi. Geometriya fanining ba'zi bir proektsion g'oyalari va usullari XVIII asrda tez o'sib borayotgan sanoat muammolarini yechishga qo'llanib borilgan.

Gaspard Monj o'zigacha ma'lum bo'lgan barcha geometrik qonun-qoidalarini umumlashtirib, o'zining tadqiqotlarida va ilmiy qarashlari bilan to'ldirib, nazariy jihatdan asoslangan chizma geometriya fanini yaratadi.

Chizma geometriya fanini rivojlantirishga Shark olimlardan Al-Xorazmiy, Al-Farobiy, Ibn Sino va Abu Rayxon Beruniylar uzlarining bir kator ilmiy va amaliy ishlari orkali katta xissa qushganlar.


Xozirda chizma geometriya fanini rivojlantirishga Yu.Kirgizboev, R.Xorunov, A.Akbarov, E.Sobitov, SH.Murodov, LXakimov, IRaxmonov, P.Odilov, Sh. Abduraxmanov va boshqa olimlar uzlarining ilmiy-metodik ishlari bilan katta xissa qushmoqdalar.

Chizma geometriyadan birinchi o'qish kitobi 1798 yilda Frantsiyada paydo bo'ldi. Uning muallifi Gaspard Monj hisoblanib bu kitobida fakat ortogonal proektsiyalar jami 40 ta shaklda bayon qilingan bo'lib, koordinatalar va uchinchi profil proektsiyalar tekisligi haqida fikr yuritilmagan edi. Kitobning ikkinchi qismidagi sayalar nazariyasi va perspektiva G. Monj va M. Brisson xamkorligida yozilgan edi.

Активация Windows
Установите актуальную версию Windows, чтобы получить максимум возможностей системы.


21- расм. Маъруза матни

Мазкур маъруза топшириқдаги ахборотни ўқиб ўрганиш мақсадида “Кейинги” тугмаси орқали навбатдаги ахборот ўрганилади. (22-расм)




22- расм. Биринчи маъруза матнидан кейинги саҳифага ўтиш тугмаси

Яратилган ўқув маъруза тугатилгандан сўнги кейинги топшириқ яъни видеоматрицага ўтиш учун куйида келтирилган 2 та имконият мавжуд. Ушбу тугмалар орқали курс тингловчиси исталган топшириқни бажариши мумкин. (23 – расм)




23- расм. Маъруза топшириқдан кейинги топшириққа ўтиш тугмаси

Кейинги топшириқ – видео маърузадир. Бунда курс яратувчи шахс томонидан тайёрланган видеомаърузада мавзуга доир ахборотлар видеомурожаат кўринишида тақдим қилинган бўлади. (24- расм)




24 – расм. Видео маъруза орқали тайёрланган ахборот

Қуйида келтирилган ахборот тақдимот ҳисобланиб, бунда билим олувчи томонидан ўқиб тушуниш ун қўшимча адабиёт вазифасини бажарувчи маълумот ҳисобланади. (25- расм)




25 – расм. Тақдимот кўринишидаги ахборот манбайи

Кейинги элементи Топшириқ элементи ҳисобланиб, бунда курс тингловчиси томонидан бажарилиши лозим бўлган бир нечта вазифаларни ўз ичига олган бўлади. Бунда фан ўқитувчиси томонидан тайёрланган. (26 – расм)




28 – расм. Moodle тизимида ҳужжатларни киритиш ва сақлаш майдони

Ўқув контентнинг навбатдаги элементи Таянч иборалар ҳисобланиб, бунда ўқув курс давомида учраган қийин сўзлар иборалар ва уларнинг мазмуни Алифбо тартибида жойлаштирилган бўлади. (29 – расм)



29 – расм. Moodle платформасидаги Таянч иборалар ойнаси

Сўнгги элемент бу Тест топшириғи бўлиб бунда талаба томонидан ўқув курс давомида ўзлаштирилган барча ахборотларни билиш даражаси орқали назорат саволлари тақдим қилинади. Қуйида тест топшириқни бажарилиш жараёни ва навбатдаги тест саволларига ўтиш ҳамда панелининг ўнг томонидан эса тест саволлари кетма – кетлик тартиб рақами асосида берилган. (30 – расм)



30 – расм. Ўқув контентдаги Тест топшириғини бажариш ойнаси